



ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

НАТУРАЧИЛАР МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сон “Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ўқувчи-талабаларга пластик анатомияни мукаммал ўзлаштиришлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш, бадий таълимга ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари, санъат мактаблари ҳамда мактаб-интернатлари учун жонли натура меҳнатиغا ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Бадий академияси **қарор қилади:**

1. Натурачилар меҳнатиغا ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб кучга киради.



А.Нуридинов

Тошкент ш.,
2019 йил “15” август,
КК-05-05 -сон

Натурачилар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги НИЗОМ

I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3219-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларидаги таълим муассасаларда ўқитишнинг сифат даражасини ошириш ва ўқувчи-талабалар томонидан пластик анатомияни мукамал ўзлаштиришларини таъминлаш мақсадида бадий таълимга (тасвирий ва амалий санъат) ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари (кейинги ўринларда Олий таълим муассасаси деб юритилади), ихтисослаштирилган санъат мактаблари ҳамда мактаб-интернатлари (кейинги ўринларда Мактаб деб юритилади) учун жонли натура меҳнати ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартларини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

натура - бирон бир буюм ёки шакл, шунингдек инсон қомати ва киёфаси, унинг пластик анатомиясини ўрганиш предмети;

жонсиз натура - табиатда рўй берадиган мавсумий ҳолатлар, ўсимликлар олами, меъморий обидаларни ўз ичига олади;

жонли натура - одамлар ва ҳайвонот оламини ўз ичига олади.

3. Натура билан ишлаш тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишидаги таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларини ўқитишнинг бир туридир.

4. Инсон қоматининг пластик шаклини ифода этиш, ҳаракатдаги шаклларни ўрганиш учун натурачилар жалб қилинади.

II боб. Натурачиларни ишга қабул қилиш тартиби

5. Натурачилар лавозимига номзодлар танлов асосида ишга қабул қилинади.

6. Натурачи лавозимига 18 ёшга тўлган ва ундан юқори ёшдаги шахслар қабул қилинади.

7. Натурачилар штатдан ташқари ишчи ходим ҳисобланиб, соатбай тўлов шаклда, шартнома асосида ишга қабул қилинадилар.

8. Таълим муассасасининг ўзида фаолият кўрсатаётган (штатдаги) ходимларни натурачи сифатида жалб этиш ман этилади.

9. Натурачилар лавозимига номзодларни танлаб олиш таълим муассасасининг “Натурачилар лавозимига номзодларни танлаб олиш комиссияси” (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

10. Таълим муассасасида натурачилар лавозимига номзодларни танлаб олиш учун Комиссия тузилади.

Таълим муассасасининг Комиссия таркиби муассасанинг олий органи (илмий кенгаш ёки педагогик кенгаш) томонидан тасдиқланади.

Таълим муассасасининг Комиссия таркиби муассаса раҳбари (комиссия раиси), Мактабларда ўқув ишлар бўйича директор ўринбосари, Олий таълим муассасасида ўқув ишлар бўйича проректор (комиссия раиси ўринбосари), таълим муассасасининг қасаба уюшмаси қўмитаси вакили (комиссия аъзоси), шунингдек, тасвирий санъат йўналиши бўйича икки нафар малакали профессор-ўқитувчилардан (бир нафари комиссия котиби) иборат бўлади.

11. Қуйидагилар таълим муассасаси Комиссиясининг вазифалари ҳисобланади:

натурачилар лавозимига давогар номзодларнинг ҳужжатларини ўрганиш;

номзодларни юз киёфаси, анатомик тузилиши, қадди-қоматининг кўриниши ҳамда жисмонан ва маънан соғломлилиги мезонлари асосида танлаш;

номзодларни натурачилар лавозимига танлаб олинганлик ёки танлаб олинмаганлик тўғрисидаги қарорлар қабул қилиш.

12. Таълим муассасасида натурачилар лавозими учун ўтказиладиган танловда номзодлар ўз аризаларига асосан иштирок этади.

13. Натурачилар ўқув йили режасига мувофиқ тузилган меҳнат шартномасига асосан, муддат кўрсатилган ҳолда ишга қабул қилинадилар.

14. Натурачиларни жалб қилган ҳолда тасвирлаш турлари:

Либосли:

қўл тасвири;

оёқ тасвири;

одам боши;
характерли эркак ёки аёл боши;
одам боши елка қисми билан;
портрет қўллари билан;
психологик эркак ёки аёл боши;
интерьерда одам комати.

Либоссиз:

либоссиз ярим комат;
либоссиз эркак ёки аёл комати.

15. Натурачилар меҳнатига ҳақ тўлаш бир академик соат (45 дақиқа) учун қуйидагича белгиланади:

- либосли натурачилар учун 1 соатлик меҳнат иш ҳақиға республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 5,5 фоизи миқдорида;

- либоссиз натурачилар учун 1 соатлик меҳнат иш ҳақиға республикада белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 8,5 фоизи миқдорида белгиланади.

16. Малакавий битирув ишининг бажарилиши ёки ўқув амалиёти таълим муассасаси биносидан ташқари манзилларда ўтказиладиган бўлса, эҳтиёждан келиб чиқиб, натурачилар 1 марталик шартнома асосида таклиф қилинишлари мумкин.

Бундай ҳолларда амалиёт раҳбарлари ойда 2 маротаба (ойнинг 1 ва 15 саналарида) ўқув муассасаси маъмуриятига фойдаланилган соатлар сони, натурачининг фамилияси, исми ва шарифи, паспорт маълумотлари, манзили кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этади. Ҳужжатлар амалиёт ва гуруҳ раҳбарлари, натурачи томонидан имзолангандан сўнг Мактабларда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, Олий таълим муассасаларида ўқув ишлари бўйича проректор томонидан имзоланади.

17. Индивидуал тарзда ижод билан шуғулланаётган ўқувчи-талабалар битирув олди машғулотларда ўқув режа асосида натурачилар меҳнатидан фойдаланишлари мумкин.

18. Натурачилар учун таклиф этиладиган соатлар кунига 8 соатдан ошмаслиги лозим. Соатлар давомийлиги бир академик соатни ташкил этади, танаффус давомийлиги 10 дақиқа.

19. Натурачи таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларига риоя қилиши лозим.

III боб. Натурачилар меҳнاتини ташкил этиш

20. Натурачилар меҳнатини ташкил этиш ўқув режада кўрсатилган рангтасвир ва чизматасвир фанларида амалий машғулотларда ажратилган соатлар, ўқув ҳамда диплом олди амалиётлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

21. Таълим муассасасида ўқувчи-талабаларнинг пластик анатомия фанидан ўзлаштирган билимларини рангтасвир ва чизматасвир фанларида амалий кўникмаларини шакллантириш аниқ йўналтирилган дастурлар асосида амалга оширилади.

22. Натурачилар нормал ҳолатда ишлашлари ҳамда дам олишлари учун қулай шароитлар яратилган бўлиши шарт. Хонанинг ҳарорати либосли ҳолатда +18° даражадан, либоссиз ҳолатда +24° даражадан кам бўлмаслиги лозим. Натурачиларнинг дам олиши вақтида стул, ширма ва гиламча бўлиши керак. Гавда тутишнинг қийин кўринишларида қўшимча мослашувчи жиҳозлар билан таъминланиши лозим.

23. Натурачилар меҳнатига ўз вақтида ва тўғри ҳақ тўлашни таъминлаш мақсадида:

а) натурачи ўқув режа асосида устахонага ишга келганда, унга мазкур низомга иловага мувофиқ шаклда “Натура учун қайднома” ҳужжати тўлдирилади;

мазкур қайднома тегишли тартибда натурачи, амалиёт раҳбари, ўқитувчи-педагоглар томонидан расмийлаштирилади ва тасдиқлаш учун Мактабларда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарига, Олий таълим муассасаларида ўқув ишлари бўйича проректорга тақдим этилади. Натурачи мазкур ҳужжатни натурачилар фаолиятини назорат қилувчи ходимга (ўқув устаси) топширади;

б) натурачи томонидан амалга оширилган ишлар “Натура учун қайднома” махсус дафтарида қайд этилади;

в) натурачилар фаолиятини назорат қилувчи ходим иш соатлари ҳисобини “Натура учун қайднома” асосида ёзиб боради;

мазкур қайднома асосида натура иш натижалари ҳисоб-китоби юритилади;

г) натурачилар фаолиятини назорат қилувчи ходим натурачиларга ҳақ тўлаш учун бир ойда 1 маротаба юқоридаги шаклларни Мактабларда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарига, Олий таълим муассасаларида ўқув ишлар бўйича проректорга имзолаш учун тақдим этади. Тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳужжатни 2 нусхада таълим муассасаси бухгалтериясига топширади;

Натура учун кайднома олингандан сўнг натурачиларга белгиланган тартибда муассаса бухгалтерияси томонидан иш ҳақи тўлаб берилади;

24. Таълим муассасаси натурачининг мурожаатига асосан унинг ойлик маоши ва фаолияти ҳақидаги маълумотномани тақдим этиши лозим.

25. Натурачилар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш Меҳнат қонунчилигида белгиланган тартиб асосида амалга оширилади.

4 - боб. Яқуний қоидалар

26. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

27. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

Олий ва ўрта махсус

таълим вазири

2019 йил

« 15 » август

И. Маджидов

Халқ таълими вазири

2019 йил

« 15 » август

Ш. Шерматов

Маданият вазири

2019 йил

« 15 » август

Б. Сайфуллаев

Молия вазири

2019 йил

« 15 » август

Д. Кучкаров

Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири

2019 йил

« 15 » август

Ш. Кудбиев

Натурачилар меҳнатига ҳақ тўлаш
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

НАТУРА УЧУН ҚАЙДНОМА _____ сон

(таълим муассасаси номи)

“ _____ ” _____ 20__ йил

(натурачининг фамилияси, исми ва шарифи.)

Паспорт серияси _____ рақами _____

Сана	Синф/курс рақами	Аудитория рақами	Ўқитувчининг исми ва фамилияси	Аудитория соати		Мустақил соат		Имзо		Таълим йўналиши
				Либоси	Либоссиз	Либосли	Либоссиз	Ўқитувчи	Синф/курс сардори	

Натурачи тўлов соати:

Жами либосли _____

Жами либоссиз _____

Умумий соат _____

Таълим муассасасининг ўқув ишлар
бўйича директор ўринбосари ёки
проректор имзоси _____

Натурачининг имзоси _____